

**БУХОРО АМИРЛИГИДА РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИНИНГ ОЧИЛИШИ
ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН (АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА)**

Ҳайитов Шодмон Аҳмадович

БухДУ “Жаҳон тарихи” кафедраси профессори, т.ф.д.

Аҳмадов Аҳмаджон Асрор ўғли

БухДУ “Бухоро тарихи” кафедраси таянч докторанти
ahmadov-ahmadjon@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро амирлиги пойтахти Бухоро шаҳрида 1894 йилда очилган рус-тузем мактаби тарихи архив манбалари таҳлили орқали илмий асосда таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Бухоро, амир маъмурияти, рус-тузем мактаби, приход мактаби, билим юрти, синод, мебель, ўқув қуроли, дарслик, ўқув кўлланма, генерал-губернатор, О.Керенский, ўқувчи, ўқитувчи, таҳсил, рус тили, арифметика, магазин.

Аннотация. В данной статье путем анализа архивных источников научно анализируется история русско-туземской школы, открытой в 1894 году в Бухаре, столице Бухарского эмирата.

Ключевые слова: Бухара, эмирское правление, школа русского строя, приходская школа, училище, синод, мебель, учебные пособия, учебник, учебное пособие, генерал-губернатор, О. Керенский, ученик, учитель, образование, русский язык, арифметика, журнал.

Abstract. In this article, the history of the Russian-Tuzem school opened in 1894 in Bukhara, the capital of Bukhara Emirate, is scientifically analyzed through the analysis of archival sources.

Key words: Bukhara, amir's administration, Russian-system school, prihod school, school of learning, synod, furniture, educational tools, textbook, study guide, governor-general, O. Kerensky, student, teacher, education, Russian language, arithmetic, magazine.

Кириш. Россия империясининг Туркистонда маориф йўналишидаги сиёсати минтақада мустамлака тартибларини мустаҳкамлаш ва аҳолини “руслаштириш” мақсадларига йўналтирилган эди. Туркистон генерал-губернаторлигининг ҳарбий-маъмурий бошқарув қуёи бўғинида маҳаллий миллат вакиллари фаолият юритиб, волость, бўлис бошқарувчиси, мингбоши, юзбоши, эликбоши мансабларидагиларни “ҳазрати олийлари” га садоқат билан хизмат қилишлари улар олган таълимга кўп жиҳатдан боғлиқлиги муҳим омиллардан бири бўлган. Юқоридаги стратегик мақсаддан келиб чиқиб, Туркистонда рус-тузем мактаблари очилган. Архив манбасида 1891 йил Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги рус манзилгоҳларида Туркистон ўқув юртлари бошқармаси тасарруфида ўнлаб рус-тузем мактаблари фаолият юритган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили: Бухоро амирлигида рус-тузем мактабининг очилиши ва фаолияти билан боғлиқ маълумотлар асосан архив ҳужжатлари асосида ёритилиб ўтилади. Бунда асосан Ўзбекистон Миллий Архивидаги , И-фонди ҳужжатларидаги аниқ далиллар ва рақамлар мақола мазмунида акс этган.

Тадқиқот методологияси: Мазкур мақолани ёзишда тарихий тадқиқотлар олиб боришнинг объективлик, холисоналик, қиёсийлик, синхронлик, анализ-синтез, хронологик изчиллик каби методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бу даврда Туркистон ўлкасида 22 та рус-тузем мактаблари ва махсус билим юртлари мавжуд бўлиб, уларнинг кичигида 11-12 нафардан, 25 нафаргача ўқувчилар таҳсил олган. Агар Тўйтепадаги рус-тузем мактабида 6 та, Ўратепадаги мактабда -11 нафар ўқувчи таҳсил олган бўлса, Марвдаги рус-тузем мактабида – 43 та, 3-рақамли Тошкентдаги билим юртида – 34 та ўқувчи ўқиган. 1891 йилда Туркистон рус-тузем мактабларида жами: 426 нафар ўқувчи ўқиганди [1]. Архив ҳужжатлари ўрганилар экан, уларда сақланган варақларда рус-тузем мактаблари биносининг ташқи ва ички кўринишлари, бино қурилиши билан боғлиқ лойиҳалар мавжудлиги аён бўлади [2]. Ушбу мактаблар 2-3 йиллик бўлиб, уларда маҳаллий миллат вакилларининг фарзандлари (ўзбек, тожик, туркман, ва ҳ.к.) таҳсил олиб, мактабларда асосан рус тили ва арифметика фанларидан ўқувчиларга таҳсил берилган. 1887 йил март ойидан бошлаб Туркистон ўқитувчилар Семинариясининг ўқув курси Хивада очилиб, унда 11 нафар ўқувчи ўқий бошлаган ва мактаб харажатлари хон хазинасидан қопланган. Петро-Александровскда шаҳар билим юрти иш бошлаб, Хива фуқаролари фарзандларидан 4 та бола таҳсил олган.[3]

Билим юрти ва рус-тузем мактабларида сабоқ берадиган ўқитувчилар номзоди Туркистон билим юртлари Бош инспектори О.Керенский томонидан тасдиқланган ҳамда тавсия этилган. Ўқитувчиларнинг маоши ўртача 300-350 рублни ташкил этиб, уларга квартира ҳақи ва қўшимча озиқ-овқат пули ҳам берилган. 1-2 синфли приход (черков қошидаги мактаб) мактабларидаги ўқитувчилар 150 рубл маош олган.[4] Дастлабки приход мактабларидан бири Каспийорти темир йўлининг Бухоро станциясида очилиб, мактабнинг бир йиллик харажатлари 910 рублни ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, бу билим юрти рус болалари учун очилиб, дастлаб ўқув биноси черков ичида бўлиб, О.Керенскийга мактаб учун алоҳида бино қуришни сўраб бир қатор хатлар йўлланган.[5]

Бухоро амирлигининг марказий шаҳри Бухорода рус-тузем мактабининг очилиши ва фаолият юрита бошлаши тарихига оид архив ҳужжатлари ўрганилганда амин бўлиндики, бу борада анча музокаралар ва зиддиятли жараёнлар кечган. 1890-йилларда Туркистон генерал-губернатори лавозимида фаолият юритган генерал Вревский Бухоро амири Абдулахадхонга (1885-1910 йй) йўллаган мактубида (1894 йил сентябрь) амир вакили Шодибек Удайчи билан суҳбатда бўлгани, амирликда рус-тузем

мактаби очиш масаласи кун тартибига киритилганини хабар қилган. Мазкур хатда Амир Абдулахаднинг тахт вориси Саид Олимхон Санкт-Петербургда кадетлар харбий мактабида тахсил олгани, Тўражон (Олимхоннинг лақаби) рус тилини пухта ўргангани, рус маданиятидан яхшигина хабардорлиги таъкидланган.

Агар туз-тузем мактаби Бухорода очилса, Бухоро маъмурлари ва савдогарлари рус тилини пухта ўргангани, икки мамлакат ўртасида дўстлик, савдо-сотик, дипломатик муносабатлар юксалишига эса умид билдирилган.[6] Айни пайтда Амир Абдулахадхон рус-тузем мактаби очилишига эътирози йўқлиги, бироқ унда сабоқ берадиган ўқитувчи мусулмон миллати вакили бўлиши кераклиги билан боғлиқ ўзининг талабини илгари сурган. Ушбу талабни бажариш ва бу ҳақда ўзига ахборот беришни сўраб Вревский О.Керенскийга хат йўллаган. Ушбу жараёнлар 1894 йилнинг август-декабрь ойларида юз берган.[7] Туркистон билим юртлари бош инспектори О.Керенский Бухоро рус-тузем мактаби учун рус тили ўқитувчилиги лавозимиغا Тўйтепа (Тошкент) рус-тузем мактаби бошлиғи, мусулмон Гали Аскар Калинин номзодини таклиф этган. Гали Аскар Калинин 1893 йилда Туркистон ўқитувчилар семинариясини тугатиб, Тўйтепега хизмат сафарига юборилган эди.

Г.А.Калинин Тўйтепа рус-тузем мактабида 11 нафар ўқувчи билан иш бошлаган, бир йилда унга 600 рубл маош тайинланган ва иситиш тизими билан яхши таъминланган квартирада истиқомат қиларди.[8] Калинин турмуш ўртоғи ва фарзанди билан Эски Бухоро шаҳрига 1894 йил декабрь ойида етиб келган. Воқеалар тафсилотида бир қадар илгарилаб кетиш бўлсада таъкидлаш ўринли бўлардики, Г.А.Калинин рус-тузем мактабининг биринчи ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган, бироқ 1895 йил якунига қадар қисқа муддат фаолият юритган. Унга Бухорода ўрнашиб қолиши учун 50 рубл ёрдам пули, 150 рубл қўшимча харажатлар учун маблағ, ўзи билан хотини Гадиулинага Туркистон ва амирлик шаҳарларида эркин юриш гувоҳномаси каби бир қатор имтиёзлар берилган. Шундай бўлсада, у азалги иш жойига қайтаришни сўраб О.Керенскийга бир неча бор мурожаатлар қилган, ҳеч бўлмаганда юқори ҳукумат органларидан ўзини Самарқанд шаҳридаги рус-тузем мактабига ўтказишларини сўраб мурожаат қилган.[9] Такидлаш жоизки, Г.А.Калининнинг ортга қайтишига Бухородаги оғир иқлимий ҳолат, маҳаллий маъмурлар билан тил топа олмаганлиги каби омиллар ўз таъсирини ўтказган.

Бухоро туз-тузем мактабида ўқув жараёни ва шароитини йўлга қўйиш учун 1894-1895 йилларда ўқув қўлланма ва девонхона харажатларига 100 рубл сарфланган.[10] Мактаб харажатларини қоплаш амирлик зиммаси юкланган бўлиб, 1894 йил 1 декабрда амир хазинасидан 193 рубл 50 коп. пул ишлатилган. 1895 йилда мактаб таъмири учун – 100 рубл, синфдаги мебеллар учун эса 70 рубл харажат қилинган. 1895 йилда мактабнинг бир йиллик харажати 439 рубл 68 коп.ни ташкил этиб, рус тили ўқитувчисига 143 рубл 50 коп. харажат қилинган.[11]

Эски Бухородаги рус-тузем мактаби учун ўқув қуроллари, ўқув қўлланма ва дарсликлар стол-стул (мебеллар), доска, перо, қалам, ёзув қоғозлари Рига (Латвия) даги Киммель канцелария товарлари магазинидан олиб келинган.

Ўша давр нарх-навосига кўра 1 боғлам қоғоз - 2 рубл, 1 қути перо-90 коп; 1 қути қалам-40 коп; 1 қути ёзув қоғози – 30 коп. (жаъми: 4 рубл 30 коп) баҳоланган.[12] Биринчи ўқув йилида (1894-1895 йй) «Россия транспорт жамияти» фирмаси томонидан мактабга «Киммель савдо магазини»дан 50 дона сиёхдон, 50 дона перо, 10 дона ўқув қўлланма, қалам, қаламдон, қоғоз ва бошқа канцелария товарлари етказиб берилган. Г.А. Калинин ва унинг турмуш ўртоғи Гадиулина 1895 йил январь ойига қадар Киммель магазинининг 11 турдаги 72 рубл 90 коп. баҳоланган товарларини қабул қилиб олган. [13] Рўйхатлардан бирида Бухоро амирлиги сиёсий айғоқчилиги манзилига 1895-1896 йилларда Киммел магазинининг 197 рубллик товарлари юборилгани, айғоқчилик ушбу пулнинг 100 рублини тўлаганлиги, 97 рубл ушбу магазиндан қарздор бўлиб қолганлиги қайд этилган.[14] Айғоқчилик манзилига асосан қаттиқ муқовада муқоваланган рус тили ва арифметика фанларига оид дарсликлар, ушбу фанларни ўқитиш методикасига тегишли китоблар юборилганди.[15] Мактабни иситиш учун бир ойда ўтинга 30 рубл сарфланган, шунингдек, 16 рубл 87 коп. 6 пуд (1 пуд-16 кг), 16 фунт (1 фунт-450 грамм) керосин керак бўлган, мактабнинг биносини оқлаш учун 25 рубл харажат қилинган [16]. Г.А.Калинин мактабни тарқ этганидан сўнг, Бухоро рус-тузем мактабига ўқитувчи танлаш масаласи муаммо бўлиб қолган. Амир маъмурияти мактаб ўқитувчиси мусулмон миллати вакили бўлиши билан боғлиқ талабда қатъий турган. Туркистон ўқитувчилар семинариясини битирган мусулмон ўқитувчилар оз сонли бўлганлиги туфайли О.Керенский маҳаллий аҳолининг тили ва урф-одатини «аъло биладиган», «тартибли ва оқил» (хужжатда қандай бўлса шундай қайд этилди) Вяткин номзодини Бухоро рус-тузем мактабида ўқитувчилик қилиш учун илгари сурган.[17]

Хулоса қилиб қуйидагиларни илгари суриш мумкин. Россия империясининг мустамлака йилларида Туркистон минтақасида рус-тузем мактабларини очишдан кўзланган асосий мақсад, бошқарувнинг энг қуйи бўғинидан юқоригача барча раҳбар аъзоларни ҳукуматга садоқатли шахслардан танлаш, аҳолини аросатда ушлашнинг мустаҳкам механизмини яратиш бўлганди. Империя ҳукумати рус-тузем мактабларига ўқувчилар танлашда давлат томонидан бериладиган маошга тамоман тобъе ёхуд боғлиқ бўлган оилалар фарзандларига асосий эътиборни қаратганди. Агар ўзига тўқ, қўшимча даромад манбасига эга бўлганларнинг болалари рус-тузем мактабларида ўқишса, улар мансаб хизматида ўз халқи манфаатини кўзлаб иш тутади, деган фикр ҳам мустамлакачиларда мавжуд эди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎМА), И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 112 varaқ, 112 varaқнинг орқа томони.

2. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 114, 115, 116, 117, 118-варақлар.
3. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 80 йиғма жилд, 113, 114-варақлар.
4. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 124, 125-варақлар.
5. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137-варақлар.
6. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 51, 52-варақлар.
7. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 55, 56-варақлар.
8. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 53, 56-варақлар.
9. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 85, 86-варақлар.
10. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 1,2,3-варақлар; 21, 22, 23-варақлар
11. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 80 йиғма жилд, 27-28-варақлар.
12. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 80 йиғма жилд, 61, 62-варақлар, 73-75-варақлар.
13. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 80 йиғма жилд, 80, 81, 82, 83-варақлар.
14. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 80 йиғма жилд, 83-варақ.
15. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 80 йиғма жилд, 84-варақ, 87-варақ.
16. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 80 йиғма жилд, 44-варақ.
17. ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, 88-варақ.
18. Akhmadov A.A., Orziyev M.Z. The second world war and the unopened afghan front. //Scientific reports of Bukhara State University. –2020. No. 3. – С. 243-249.
19. Ahmadjon Asror o'g'li Ahmadov Afg'oniston va Buxoro amirligi diplomatik aloqalari (XVIII-XIX asrlar)//Scientific reports of Bukhara State University. –2029. No. 2. –С. 226.
20. Аҳмадов Аҳмаджон Асрор ўғли. Бухоро амирлиги ва Афғонистон дипломатик ва элчилик алоқалари ва Россия империяси ҳукуматининг таъсири// Journal of Advanced Research and Stability SSN: 2181-2608 www.sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/1401